

**Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат бошқаруви академиясининг Кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сон Фармони ва мазкур Фармон билан тасдиқланган Академия Уставига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси Кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш)нинг мақомини, унинг вазифаларини ва фаолият тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда – Академия) фаолиятига тааллуқли асосий масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун Академия ректори – Кенгаш раисининг раҳбарлигида доимий фаолият юритувчи бошқарув органи ҳисобланади.

2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек Академия Устави ва мазкур Низомга амал қилади.

3. Кенгаш ўз фаолиятини қонунийлик, ошкоралик, мустақиллик, масалаларни эркин муҳокама қилиш, коллегиялик ва яққабосчиликнинг уйғунлашуви, жамоа фикрини ҳисобга олиш принциплари асосида амалга оширади.

4. Кенгаш таркибига проректорлар, илмий котиб, факультет деканлари, кафедра мудирлари, марказ ва бошқа таркибий бўлинмалар раҳбарлари,

Академия ходимлари, шунингдек бошқа таълим ва илмий муассасаларнинг етакчи олимлари ва мутахассислари киритилиши мумкин. Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишган ҳолда Академия ректори томонидан тасдиқланади.

II боб. Кенгашнинг ваколатлари

5. Кенгаш ваколатига қуйидагилар киради:

бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ўқув, методик, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ва нашриёт ишлар, шунингдек Академия тасарруфида бўлган бўлинмалар фаолиятига оид масалаларни ҳал қилиш;

бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув режалар ҳамда дастурларни тасдиқлаш;

бошқарув кадрлари тайёрлаш мутахассисликлари бўйича малакавий талабларни тасдиқлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг фаолият туридан келиб чиқиб, вақт маъёрлари, шунингдек ўқув юкламаси ҳажмини белгилаш;

тингловчиларнинг ихтисослик бўйича амалиёт ва стажировка ўташ тартибини тасдиқлаш;

магистрлик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилишга оид талабларни тасдиқлаш;

Академия ва унинг таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш;

“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси фахрий доктори” ва “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси фахрий профессори” унвонларини бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Махсус фонд маблағларини шакллантириш ҳамда ундан Академия бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш учун фойдаланиш, шунингдек Академия ходимларига ойлик устама ҳақ белгиланиши мезонларини тасдиқлаш.

6. Кенгаш коллегиял муҳокама қилишни талаб этадиган, Академия фаолиятига тааллуқли бўлган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши ва ҳал қилиши мумкин.

7. Кенгаш қарорлари Академия ректори томонидан тасдиқланади ва академиянинг барча таркибий бўлинмалари, ходимлари ва тингловчилари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

8. Кенгаш раиси:

Академия уставига мувофиқ, Кенгашнинг фаолиятини ташкил этади, унинг мажлисларни олиб боради, Кенгаш аъзолари ўртасида вазифалар ва топшириқларни тақсимлайди;

Кенгаш қарорларининг ижросини таъминлаш бўйича чоралар кўради;

Кенгашнинг навбатдаги ва навбатдан ташқари мажлисларини ўтказиш куни, вақти ва жойини белгилайди;

Кенгашга кўриб чиқиш учун киритилган масалаларнинг жамоатчилик асосида муҳокама қилиниши ва уларнинг ҳал этилиши учун зарур шарт-шароитлар яратади;

Кенгаш мажлиси кун тартибига мазкур Низомда назарда тутилган тартибдан мустасно ҳолда масалалар киритади;

Кенгаш фаолияти бўйича ва у томонидан қабул қилинган қарорлар юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланади;

Академия Уставига мувофиқ, Кенгаш фаолиятини ташкил этишга доир бошқа масалаларни ҳал қилади.

9. Кенгаш аъзолари:

Кенгаш иш режаси лойиҳаси, кун тартиби ва Кенгаш мажлисини олиб бориш тартиби, Кенгаш мажлисининг тасдиқланган иш режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, навбатдан ташқари Кенгаш мажлисларини чақириш юзасидан таклифлар ва эътирозлар киритиш;

кўриб чиқиладиган масалаларга доир ҳужжатлар ҳамда қабул қилинган Кенгаш қарорлари ижросига оид материаллар билан танишиш;

Кенгаш мажлисида маърузачи ва сўзга чиқувчиларга саволлар бериш, муҳокама қилинадиган масалаларнинг мазмуни юзасидан ўз фикрини билдириш, қабул қилинадиган Кенгаш қарорлари лойиҳалари ҳамда мажлис баённомалари юзасидан ўз эътирозлари ва таклифларини баён этиш;

Кенгаш кун тартибидаги масалалар юзасидан муносабат билдириш ва овоз бериш;

заруратга қараб овоз бериш жараёнида мажлис баённомасига ўзининг алоҳида фикрини киритиш ёки унинг ёзма фикрини баённомага қўшиб қўйишни талаб қилиш ҳуқуқларга эга.

Кенгаш аъзолари Кенгаш мажлисларида шахсан иштирок этишлари шарт ва ўз ваколатларини бошқа шахсларга юклаши мумкин эмас. Кенгаш аъзоларининг Кенгаш мажлисларида иштирок этишдан озод қилишга Кенгаш раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг рухсати билан йўл қўйилади. Бунда, Кенгаш аъзоси муҳокама қилинадиган масала юзасидан ўз фикрини ёзма равишда тақдим қилиш ҳуқуқига эга.

10. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишга доир ҳужжатларни юритиш Кенгаш илмий котиби зиммасига юклатилади.

11. Кенгаш илмий котиби:

Кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкиллаштиради ва таъминлайди;
Кенгаш иш режаси лойиҳасини тайёрлайди ва Академия ректорига киритади;

Кенгаш иш режасига мувофиқ Кенгаш мажлиси кун тартибини шакллантиради;

Академия таркибий бўлинмалари томонидан Кенгаш мажлисларини ўтказишга доир материалларни ўз вақтида тақдим этилиши бўйича назоратни таъминлайди;

Кенгаш мажлислари баённомасини юритади, тайёрланган ҳужжатларни Кенгаш раисига имзолаш учун киритади;

Кенгашга мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш жараёнида билдирилган эътироз ва таклифларни инобатга олган ҳолда Кенгаш қарорлари ва ҳужжатларнинг, уларни Кенгашга тақдим этган Академия таркибий бўлинмалари томонидан қайта ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Кенгаш раиси томонидан имзоланган ҳужжатларнинг ўз вақтида кўпайтирилиши Академия таркибий бўлинмаларига ижро этиш учун етказилишини таъминлайди;

Кенгаш қарорларининг ижроси устида мониторингни амалга оширади;

Кенгаш фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

III боб. Кенгаш ишини режалаштириш

12. Кенгашнинг иш режаси Академия таркибий бўлинмалари таклифлари ва мулоҳазалари асосида келгуси ўқув йили учун тузилади ҳамда Кенгаш томонидан тасдиқланади.

13. Иш режада Кенгаш муҳокамасига киритилаётган масалаларнинг аниқ мазмуни, уларни кўриб чиқиш муддати, масалаларни тайёрлаш учун масъул Кенгаш аъзолари ҳамда Кенгаш қарори лойиҳаси ва бошқа материалларни ишлаб чиқиш учун Академия таркибий тузилмалари кўрсатилади.

14. Келгуси ўқув йилига мўлжалланган Кенгаш иш режаси лойиҳасига киритиш учун таклифлар ва мулоҳазалар Академия таркибий бўлинмалари раҳбарлари томонидан ҳар йили 1 июлга қадар Кенгаш илмий котибига тақдим этилади.

Тақдим этилган таклиф ва мулоҳазалар Кенгаш илмий котиби томонидан умумлаштирилиб, Кенгашнинг иш режаси лойиҳаси тузилади ва кўриб чиқиш учун Академия ректорга тақдим этилади.

15. Кенгаш иш режаси лойиҳаси Академия ректори томонидан Кенгашнинг янги ўқув йилидаги биринчи мажлиси муҳокамасига киритилади.

Тасдиқланган Кенгаш иш режаси Кенгаш илмий котиби томонидан проректорлар, Академиянинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига ижро учун юборилади.

16. Кенгаш иш режасига Кенгаш қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

17. Кенгаш мажлисларининг кун тартибига Академия Уставининг 9-бандида назарда тутилган Академия кенгашининг ваколатларидан келиб чиқиб, Кенгаш иш режасида назарда тутилмаган бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

18. Кенгаш иш режасининг бажарилиши устидан умумий назорат Академия ректори томонидан амалга оширилади.

Кенгаш иш режасининг бажарилиши бўйича маълумотлар Кенгаш илмий котиби томонидан умумлаштирилиб борилади.

IV боб. Кенгаш мажлисига тайёргарлик кўриш

19. Кенгаш иш режасига мувофиқ Кенгаш мажлиси кун тартибига киритилган масалалар бўйича барча зарур материаллар (қарор лойиҳалари, иловалар ва ҳ.к.)нинг якуний варианты Кенгаш мажлиси тайинланган кундан камида беш кун олдин ёзма ва электрон шаклда Кенгаш илмий котибига тақдим этилиши шарт. Барча зарур материаллар тақдим этилгач, Кенгаш илмий котиби Кенгаш мажлиси кун тартиби лойиҳасини тузади ва тасдиқлаш учун Академия ректорига тақдим этади.

20. Академия проректорлари ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан Кенгаш иш режасида назарда тутилмаган масалани Кенгаш мажлиси кун тартибига киритиш тўғрисида Академия ректорига билдиришнома билан мурожаат этилиши мумкин. Билдиришномада Кенгаш мажлиси кун тартибига киритилиши лозим бўлган масалалар ва уларни киритиш сабаблари асослантилган ҳолда ёзилиши керак.

21. Кенгаш мажлиси ўтказиладиган кун, вақт ва жой, шунингдек мажлис кун тартиби Академия ректори томонидан тасдиқланади.

Кенгаш мажлиси кун тартиби, ўтказиладиган кун, вақт ва жой Кенгаш мажлисидан етти кун олдин Кенгаш илмий котиби томонидан Кенгаш

аъзоларига ва Академия ректорининг топшириғига мувофиқ бошқа шахсларга етказилиши лозим.

21. Кенгаш қарори лойиҳалари Академиянинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда ушбу масалалар бўйича масъул проректорлар билан келишилган бўлиши лозим. Кенгаш қарори лойиҳасига илова сифатида тегишли низом, йўриқнома, қоидалар ёки Академия фаолиятига доир бошқа ҳужжатлар тақдим этилаётган бўлса, улар ҳуқуқий ишлар бўйича маслаҳатчи билан келишилган бўлиши шарт. Бунда Кенгаш илмий котибига тақдим этилувчи Кенгаш қарори лойиҳасида келишилганлик ҳақида имзо бўлиши лозим.

22. Кенгаш мажлиси кун тартибига киритилаётган ҳисобот бўйича Кенгаш қарори лойиҳасига бажарилган ишларга доир маълумотнома ҳамда ҳисобот бўйича материаллар асосида тайёрланган тақдимот (слайд) илова қилинади.

23. Белгиланган талабларга жавоб бермайдиган равишда тақдим этилган материаллар камчиликларни бартараф этиш учун ижрочига қайтарилади.

24. Кенгашда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича Кенгаш қарори лойиҳаларида:

қарор лойиҳасининг асослантурувчи қисми кенг, аниқ ва батафсил ифодаланган бўлиши;

қарор лойиҳаси мазкур масала юзасидан қабул қилинган Кенгаш қарорлари ва Академия ректорининг буйруқлари эътиборга олиними;

қарор лойиҳаси ижрочилар ва ижро этиш муддатлари кўрсатилган ҳолда аниқ топшириқлар назарда тутилган қисмлардан иборат бўлиши;

қарор лойиҳасида унинг бажарилишини назорат қилувчи масъул шахслар кўрсатилган бўлиши шарт.

25. Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қарорлар лойиҳалари тегишли қарор номи, мазкур қарор қабул қилинган Кенгаш мажлиси баённомасининг тартиб рақами ва санаси ҳамда қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш зарурати кўрсатилган тушунтириш хати билан тақдим этилиши лозим.

26. Кенгаш мажлисига беш кун қолгунча Кенгаш илмий котибига ушбу Низом талабларига риоя қилинган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳаси ва бошқа зарур материаллар тақдим этилмаган бўлса, масалалар Кенгаш кун тартибига киритилмайди.

Кенгаш илмий котиби бу ҳақда Академия ректорига маълум қилади ва ректорнинг кўрсатмасига асосан Кенгаш кун тартибга ўзгартишлар киритади,

бажарувчи эса бундай ҳолатнинг сабабини кўрсатиб Академия ректори номига ёзма равишда тушунтириш хати тақдим этади.

27. Кенгаш мажлиси кун тартибига киритилаётган масала юзасидан келишилиши лозим бўлган манфаатдор шахсларнинг эътироз, таклиф ва мулоҳазалари ёзма равишда қарор лойиҳасига илова қилинади.

V боб. Кенгаш мажлисини ўтказиш ва қарор қабул қилиш

28. Кенгаш мажлисига Кенгаш раиси – Академия ректори, у йўқлигида эса, унинг топшириғига мувофиқ, проректорлардан бири раислик қилади.

29. Кенгаш илмий котиби Кенгаш мажлислари бошланишидан олдин қатнашчиларни рўйхатга олади, рўйхатга олиш яқунлари бўйича Кенгаш аъзолари ва таклиф этилганларнинг иштироки ҳақида Кенгаш раисига ахборот беради.

Кенгаш мажлиси Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

30. Кенгаш мажлиси Кенгаш раиси томонидан очилади. Зарур ҳолларда, Кенгаш раиси томонидан Кенгаш мажлисини ёпиқ тарзда ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисида таклиф киритилиши мумкин.

31. Кенгаш раиси Кенгаш аъзоларини Кенгаш мажлисига таклиф этилганлар билан таништиради, масалалар муҳокамасини ташкил қилади (сўз беради, регламентга риоя қилинишини кузатади, тайёрланган ҳужжат лойиҳаларини, мажлисда кўрилаётган масалалар бўйича таклифларни овозга кўяди, овоз бериш натижаларини эълон қилади ва ҳ.к.), сўровлар, маълумотлар, мурожаатлар ва таклифларни эълон қилади.

Кенгаш мажлисига таклиф этилган шахслар уларнинг манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан бўладиган муҳокамаларда маслаҳат овози ҳуқуқидан фойдаланадилар. Улар Кенгаш раисининг рухсати билан музокараларда қатнашиши, ўз эътирозлари ва таклифларини билдириши, муҳокама этилаётган масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиши мумкин.

32. Кенгаш мажлиси кун тартиби ва уни ўтказиш тартибини кўриб чиқиш ҳамда маъқуллаш билан бошланади.

Кенгаш мажлисида сўзга чиқувчиларга, қоида тариқасида, маърузалар учун 15 дақиқагача, музокаралар учун 5 дақиқагача, маълумот ва ахборотлар бериш учун 3 дақиқагача вақт берилади. Зарур ҳолларда, белгиланган вақт Кенгаш раиси томонидан узайтирилиши мумкин.

33. Кенгаш номига ёзма шаклда тушган ариза ва маълумотномалар ҳақида Кенгаш раиси томонидан мажлис охирида ёки муҳокама жараёнида эълон қилинади.

34. Кенгаш мажлисида кўриб чиқилган масалалар бўйича оддий кўпчилик овоз билан қарорлар қабул қилинади.

Кенгаш аъзолари ўртасида кўриб чиқилган масалалар бўйича келишмовчиликлар вужудга келган тақдирда Кенгаш раиси келишмовчиликларни ҳал этиш юзасидан мустақил равишда қарор қабул қилади. Бунда Кенгаш аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари мумкин.

35. Зарур ҳолларда, Кенгаш раисининг рухсати ёки Кенгаш қарори билан Кенгаш мажлисида овоз ёзиш ва стенография, видео ва фото тасвирга тушириш амалга оширилади. Овоз ёзиш, стенограмма юритиш, видео ва фото тасвирга тушириш ишлари Академиянинг Компьютер технологиялари маркази ходимларини жалб этган ҳолда Кенгаш илмий котиби томонидан ташкил этилади.

36. Кенгаш мажлиси якунида маъруза ва сўзга чиқувчиларнинг маъруза матнлари Кенгаш илмий котибига ёзма ва электрон шаклда топширилади.

37. Кенгаш мажлисида Кенгаш илмий котиби томонидан баённома юритилади. Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган барча масалалар, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар Кенгаш мажлиси баённомасига киритилиши лозим.

38. Кенгаш баённомасида:

Кенгаш мажлиси ўтказилган жойи ва вақти;

Кенгаш мажлисида иштирок этган шахслар рўйхати;

Кенгаш мажлисининг кун тартиби;

Кенгаш мажлиси муҳокамасига қўйилган масалалар ва улар юзасидан қабул қилинган қарорлар кўрсатилиши лозим.

49. Кенгаш мажлиси баённомаси беш иш куни ичида тайёрланиши, Кенгаш илмий котиби томонидан имзоланиши ва Академия ректори томонидан тасдиқланиши лозим.

40. Кенгаш мажлиси баённомасига маъруза ва сўзга чиқувчиларнинг ёзма матнлари, бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

VI боб. Кенгаш қарорларининг бажарилишини назорат қилиш

41. Кенгаш қарорларини ижрога қаратиш тўғридан-тўғри ёки заруратга қараб Академия ректорининг буйруқлари билан амалга оширилади.

Кенгаш қарорлари ижроси устидан бевосита назорат Академия ректори ва проректорлар зиммасига юклатилади.

42. Кенгаш қарорлари ижроси устидан жорий назорат, уларнинг мазмуни ва муддатларига мувофиқ Кенгаш илмий котибининг зиммасига юклатилади.

Академия таркибий бўлинмалари Кенгаш қарорларининг ўзларига тегишли бўлган қисмлари ижроси бўйича қарорда белгиланган муддатларда, доимий бажариладиган қарорлар бўлса ҳар ойнинг иккинчи ўн кунлиги якунига қадар Кенгаш илмий котибига ёзма равишда маълумот тақдим этиб туришлари шарт.

43. Кенгаш доимий равишда ўз мажлисларида қабул қилган қарорларининг ижросини назорат қилиб боради, Кенгаш мажлисларида уларнинг ижроси бўйича масъул шахсларнинг амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисоботлари эшитилиши мумкин.

43. Кенгаш томонидан мунтазам равишда ўз фаолияти юзасидан яқунлар чиқарилади, Кенгаш қарорларини тайёрлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш борасида Кенгаш аъзоларининг иштироқи билан боғлиқ фаолият натижаларини таҳлил қилади ва мажлисларда кўриб чиқади.

44. Кенгаш қарорларининг бажарилиши Академия ректори томонидан мунтазам текшириб борилади ва қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисида Кенгашга маълумот берилади.

VII. Яқуний қоидалар

45. Мазкур Низом талабларининг бажарилишини назорат қилиш Академия ректори ва Кенгаш илмий котиби зиммасига юклатилади. Кенгаш аъзолари ва Академия таркибий бўлинмалари томонидан мазкур Низом талабларига риоя қилинмаслик қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чорасини қўллаш учун асос бўлади.